



220200 Богот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 484и

Богот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Юлдашова Мухайё Комиловнага  
Богот тумани “Дехқонобод” маҳалласи  
худудида жойлашган қурилиши  
туғалланмаган “Савдо дўкони” биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Богот тумани “Дехқонобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Юлдашова Мухайё Комиловнанинг Богот тумани “Дехқонобод” маҳалласи худудида жойлашган қурилиши туғалланмаган “Савдо дўкони” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-Ю-403-сонли аризасини, Богот туман ҳокимининг 2014 йил 26 июлдаги № 1295к-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Богот туман филиалининг 2020 йил 7 февралдаги 552-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Богот тумани “Дехқонобод” маҳалласи худудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 169,40 квадрат метр, умумий ер майдони 375,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши туғалланмаган «Савдо дўкони» биноси фуқаро Юлдашова Мухайё Комиловнага ушбу мулкни тўлиқ қуриб фойдаланишга топширилмагунга қадар сотиш ёки бошқача тартибда бегоналаштирмаслик шарти билан эгалик ҳуқуқи белгилансин.

2. Фуқаро Юлдашова Мухайё Комиловна ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Савдо дўкони” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

О.Холбоев